

Китоб ва суннат асосида

## Рибонинг зарарлари

< Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي >



Ҳол

Таҳрир: Абу Абдуллоҳ Шоший

# مضار الربا

في ضوء الكتاب والسنّة



٤٠٩

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

## Рибонинг ҳаром қилиниш босқичлари

Бисмиллахир роҳманир роҳийм

Шак йўқки рибо мавзуси, унинг заарлари жуда аҳамиятлидир. Ҳар бир мусулмон ундан узоқ бўлиши учун унинг хукмларини ва турларини билиши лозим. Чунки рибо билан муомала қилувчи инсон Аллоҳ ва Унинг расули билан урушувчидир. Рибо мавзуси аҳамиятли бўлгани сабабли Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлардан унинг хукмлари ҳақидаги далилларни тўпладик.

Рибонинг ҳаром бўлиши ҳам худди хамр-маст қилувчи ичимликнинг ҳаром бўлиши каби даражама-даражада бўлди. Рибонинг ҳаром бўлиши тўрт босқичда бўлиб ўтди:

**1-босқич.** “Рум” сурасидаги 39-оят:

{وَمَا آتَيْتُمْ مِنْ رِبًّا لَيَرُبُّ فِي أَمْوَالِ النَّاسِ فَلَا يَرُبُّ عِنْدَ اللَّهِ وَمَا آتَيْتُمْ مِنْ}

زَكَةً تُرِيدُونَ وَجْهَ اللَّهِ فَأَوْلَئِكَ هُمُ الْمُضْعِفُونَ}

«39. Одамлар моллари ичида зиёда бўлсин деб рибо учун берган молингиз Аллоҳ Ҳузурида зиёда бўлмас. Аллоҳнинг юзини кўзлаб берган закотингиз эса, бас, ана ўшалар бир неча баробар қилиб олгувчилардир». Бу ояти карима Маккада нозил бўлган. Оятда кўриниб турганидек рибонинг ҳаром эканлигига ишора йўқ. Факатгина Аллоҳ рибони ёмон қўришига ишора бор. Рибо учун Аллоҳ ҳузурида ҳеч қандай савоб йўқ.

**2-босқич.** “Нисо” сураси 160-161-оятлар:

{فِيْظَلٌ مِّنَ الَّذِينَ هَادُوا حَرَمَنَا عَلَيْهِمْ طَبِيعَاتٍ أَحِلَّتْ لَهُمْ وَبِصَدَّهُمْ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ كَثِيرًا} 160 {وَأَخْذِهِمُ الرَّبَّا وَقَدْ نَهُوا عَنْهُ وَأَكْلِهِمْ أَمْوَالَ النَّاسِ إِلَبَاطِلٍ وَأَعْنَدُهَا لِلْكَافِرِينَ مِنْهُمْ عَدَابًا أَلِيمًا}

«160. Яхудий бўлганларга, уларнинг зулми, Аллоҳнинг йўлидан кўп тўсганлари учун, ўзларига ҳалол қилинган нарсани ҳаром қилдик.

161. Ва қайтарилган бўлсалар ҳам, рибо олганликлари ва одамларнинг молларини ботил йўл билан еганлари учун. Ва уларнинг кофирлари учун аламли азобни тайёрлаб қўйдик».

Ояти карима Мадинада нозил бўлган. Бу Аллоҳ таолонинг яхудларнинг сийратидан бизларга қиссадидир. Уларга Аллоҳ рибони ҳаром қилган эди, яхудийлар эса уни едилар ва шу туфайли лаънат, ғазабга мустаҳиқ бўлишди. Оятда рибонинг ҳаромлиги сароҳатан эмас, ишоратан бўлди. Чунки бу оят яхудларнинг жаримаси ҳақидаги оят бўлиб, бунда рибонинг мусулмонларга ҳаром бўлганлиги ҳақида далолат йўқдир.

**3-босқич.** “Оли Имрон” сураси 130-оят:

{يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَأْكُلُوا الرِّبَآ أَصْعَافًا مُّضَاعَفَةً وَاتَّقُوا اللَّهَ عَلَّا كُمْ}

ئىقلەحۇن {

«130. Эй иймон келтиргانлар! Рибони бир неча баробар қилиб еманг. Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, нажот топсангиз».

Бу ояты карима Мадинада нозил бўлган бўлиб, унда рибонинг ҳаром қилиниши очик-оидин билдирилган. Лекин ҳали ҳам бутунлай ҳаром қилинмаган. Сабаби, бу рибонинг фоҳиш рибо деб номланган бир турини ҳаром қилишдир. Рибонинг бу тури хунукликда энг олий чўққига чиққанидир. Бунда зиммадаги қарз кўпайиб боради ва бир неча баробарга айланади. Ўзининг ҳожати ва зарурати учун қарз олган қарздорнинг зиммасига жуда кўп қийинчиликларни юклайди.

**4-босқич.** Бу босқичда рибо бутунлай ҳаром қилинди. Яъни, рибонинг ози ҳам, кўпи ҳам ҳаромга айланди. Ушбу ояты кариманинг далили билан. “Бақара” сураси 278-, 279-оятлар:

{يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَذَرُوا مَا بَقِيَ مِنَ الرِّبَآ إِنْ كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ}

{278} فَإِنْ لَمْ تَفْعَلُوا فَأَذْنُوا بِحَرْبٍ مِّنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَإِنْ ثُبُّتُمْ فَلَكُمْ

رُؤُسُ أَمْوَالِكُمْ لَا تَظْلِمُونَ وَلَا تُظْلَمُونَ}

«278. Эй иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам тарк

қилинг. 279. Агар ундоқ қилмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан бўладиган урушга ишонаверинг. Агар тавба қилсангиз, сармоянгиз ўзингизга, зулм қилмассиз ва сизга ҳам зулм қилинмас».

Бу ояти карима Мадинада нозил бўлган бўлиб, у рибонинг ҳаром бўлишини охирги босқичи эди. Мана шу ижтимоий касалликларни муолажа қилишдаги Ислом шариатининг сиридир. Аллоҳ бундай ҳакимона йўл тутмаса жамиятнинг рибодан сақланиши жуда қийин кечар эди.

“Рибони бир неча баробар қилиб еманглар”, деган ояти каримадан мурод шуки, у бир неча баробарлик рибони ҳаром қилинишига ишора эмас. Бу жоҳилият кунларида қилинадиган муомалани баён қилиш учун келган. Унинг сабаби нузулида ҳам келтириб ўтилди. Баъзи иймони заифлар эса, ҳаром қилинган рибо ўта катта даражада бўлса бўлади. Аммо озгина рибо, масалан, юздан икки ёки уч фоиз бўлса, бу ҳаром эмасдир, дейдилар. Ўзларининг ботил даъволарига мазкур ояти каримани ҳужжат қиладилар. Яъни, оятда “Бир неча баробарлик”, деган нарса шарт қилинган. Қачонки фоиз камроқ бўлса, уни ҳаром бўлишига ҳеч қандай сабаб йўқ, дейишади. Лекин мусулмонлар рибонинг озини ҳам, кўпини ҳам ҳаром қилинганига ижмо қилганлар. Юқоридаги сўз — ижмодан бутунлай чиқиши, деб эътиборга олинади ва шариати ғорронинг қоидаларини билмасликка нисбат берилади. Чунки рибонинг ози кўпига чакиради. Ислом бир нарсани ҳаром қилса, бутунлай ҳаром қилади. Агар озини мубоҳ қилса, бу кўпига олиб боради. Рибо худди ҳамр каби ҳаромдир. Бирор ақлли мусулмон ҳамрдан озгинасини ҳалол дейдими? Ўша жоҳилларга “Китобнинг баъзисига иймон келтирасизлару ва баъзисига

кофир бўласизларми?” деймиз. Нима учун ўзингизнинг ботил даъвоингизга бу оятни хужжат қилмайсиз, ёки ушбу ояти каримани ўқимайсизларми?

{وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَمَ الرِّبَا}

“Аллоҳ байъ (савдо)ни ҳалол қилди ва рибони ҳаром қилди”.

{إِنَّمَا يَنْهَا اللَّهُ وَذَرُوا مَا بَقَى مِنَ الرِّبَا}

“Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам тарк қилинг”. Бу ва бу каби ояллар рибони оз ё қўп билан қайдлайдими, ёки лафз мутлоқми?

## Рибонинг заарлари

Рибонинг уч жихатдан зарари бордир. Нафсий, ижтимоий ва иқтисодий.

**Нафсий зарари шундан иборатки** — судхўр инсоннинг қалбида ўзини ортиқ даражада яхши кўриш, нарсанинг яххисини ўзигагинараво кўриш, уни фақатгина ўзининг манфаатигина хизмат қиласиган каби разил сифатлар пайдо бўлади. Бу билан унда бошқаларга яхшиликнираво кўриш, илиниш йўқ бўлади. Инсон билан бошқа биродари ўртасида биродарлик алоқалари тарқалиб кетади. Натижада судхўр одамлардан ташкил топган ҳаёт фақат мол йиғиш, одамларнинг қонини сўриш, улар қўлидаги нарсаларни тортиб олишга айланиб кетади. Оддий қилиб айтганда, инсон сувратидаги ваҳший бўрига айланади.

**Ижтимоий жихатдан зарари эса** — жамият кишиларининг орасида адватнинг пайдо бўлиши, инсонлик ва ижтимоий алоқаларини пароканда бўлишига олиб боради. Шунингдек, кишилар қалбида меҳр-шафқат ва ўзаро ёрдамнинг ўрнига ҳасадурчийди. Судхўр ушбу жирканч ишида давом этар экан, ўз жамиятининг душмани, балки бутун инсониятнинг душманига айланишига ҳеч қандай шак йўқ. Сабаби, у инсонларнинг зарурат ва ҳожатларидан фойдаланиш йўлига кўра уларнинг қонини сўради.

**Иқтисодий жихатдан зарари** — бу очик-ойдиндир. Чунки судхўрлар мавжуд экан жамиятда икки табақа юзага келади. Биринчиси, неъматга бурканган, бошқаларнинг пешона теридан фойдаланадиган табақа. Иккинчиси, муҳтоҷлик билан ҳаёт кечирадиган йўқчиликка гирифтормўлган табақадир. Шу сабабли икки табақа ўртасида кураш юзага келади.

Шариъати Исломияда ҳаром қилинган рибо нима?  
Рибони умумий холатда иккига бўлиш мумкин:

- 1- Қарз муомаласидаги рибо;
- 2- Савдодаги рибо.

**Қарз муомаласидаги рибо** — бир киши бошқа кишига қарз берадиганда қарз эвазига бирор манфаатни шарт қилишидир. Бу қарз устига қўшимча бериш, ё сифатини яхшилаб бериш, ёки бирор хизмат билан бўлиши мумкин. Қарзни устига қўшимча бериш қарзни кўпайтириб бериш билан, ёки қарз устига бошқа бирор нарсани қўшиб бериш билан бўлади. Масалан, Алишер Улуғбекка олти ойга бир миллион қарз берадиги олти ойдан кейин бир миллион уч юз минг қилиб қайтарасан, деса Алишер Улуғбекдан қарзни кўпайтириб беришни талаб қилган бўлади. Агар Алишер Улуғбекка олти ойга бир миллион қарз берадиги олти ойдан кейин бир миллионга бир қўй қўшиб қайтарасан, деса Алишер Улуғбекдан қарз устига бошқа нарсани қўшиб беришни талаб қилган бўлади. Иккала мисол ҳам қарз устига қўшимча беришга мисол бўлади.

Хозирги пайтда деҳқонлар орасида кўп учрайдиган ҳолат: Бир деҳқон шоли, буғдой ва шунга ўхшаш бирор экиннинг уругини бирордан ҳосил етилганда икки баробар қилиб қайтараман, деб қарзга олиши ҳам рибодир. Қарз олинаётган вақтда уруғнинг қиммат бўлиб, ҳосил етилганда арzonлашишининг эътибори йўқ. Нарх қандай бўлишидан қатъий назар олинган қарзни ўз миқдорича қайтариш керак.

Қарзга берилган нарсанинг сифатини яхшилаб беришга мисол. Алишер Улуғбекка юз кг авангارد гуручини қарзга берадиги олти ойдан кейин юз кг девзира гуручини берасан, деса Алишер Улуғбекдан берилган қарзнинг сифатини яхшилаб беришни талаб қилган бўлади. Чунки девзира

гуручининг сифати авангард гуручининг сифатидан яхшироқ.

Қарз эвазига хизмат шарт қилишга мисол, Алишер Улуғбекка олти ойга бир миллион қарз берәтиб Улуғбекка олти ойдан кейин бир миллионни қайтарасан, яна айрим ишларимни бажарасан, деса Алишер Улуғбекдан қарз эвазига хизмат талаб қилган бўлади. Хуоса шуки, қарз берувчи қарз олувчига қарз эвазига бирор манфаатни шарт қилса, ушбу шарт қилинган манфаат шариатда ҳаром қилинган рибо бўлади.

Агар қарз олувчи қарз берувчига бирор манфаатни шарт қилмасдан, ўз ихтиёри билан берса, ушбу манфаат ҳаром саналган рибо бўлмайди. Аммо қарзни кўпайтириб бериш, ёки бирор нарсани қўшиб бериш, ё бирор хизмат кўрсатиш макруҳ саналади. Масалан, Алишер Улуғбекка олти ойга бир миллион қарз берәтиб ҳеч қандай манфаатни талаб қилмаса, балки Улуғбек ўз ихтиёри билан бир миллионга юз минг, ёки бир кўй қўшиб берса, ё Алишернинг бирор хизматини бажариб берса, бу Алишер томонидан талаб қилинмаганлиги, балки Улуғбекнинг ўз ихтиёри билан бўлгани учун ҳаром қилинган рибо саналмайди. Лекин бу манфаатлар қарз туфайли бўлганлиги учун макруҳ ҳисобланади. Қарз олувчи қарз берувчига олган қарзини ўз ихтиёри билан сифатлироқ қилиб қайтарса, макруҳ саналмайди. Масалан, Алишер Улуғбекка 100 кг авангард гуручини қарзга берса, кейин Улуғбек ўз ихтиёри билан қарзни 100 кг девзира гуручи қилиб қайтарса, макруҳ саналмайди.

### **Савдодаги рибо икки хил бўлади:**

1. Фазл рибоси;
2. Насия рибоси.

**Фазл рибоси:** Савдо ақдида жинси битта бўлиб, ўлчови ҳам бир хил, вазний (оғирлик) ёки кайлий (сифим) бўлган моллардан икки ақд қилувчидан бири учун шарт қилинган эвазсиз зиёдалиkdir.

Масалан, Алишер Улуғбек билан 100 кг девзира гуручига 120 кг авангارد гуручини алмаштиrsa, ушбу ҳолат фазл рибоси дейилади. Чунки иккала гуручининг жинси бир хил, яъни, иккаласи ҳам гуруч, ўлчови ҳам бир хил. Бу ерда бир юз йигирма кг бўлган авангارد гуручининг йигирма килограми эвазсиз ортиқчадир. Чунки юз кило девзира гуручига авангارد гуручининг юз килоси муқобил бўлади, қолган йигирма кг эвазсиз қолади. Рибо бобида бир молнинг бошқасидан сифати юқори ва нархи баланд эканлигининг этибори йўқ. Ва бу ортиқча йигирма кг савдо ақдида икки ақд қилувчидан бири, Алишер учун шарт қилингандир.

Фазл рибоси топилиши учун молларнинг жинси битта, ўлчови ҳам бир хил вазний ёки кайлий бўлиши шарт қилинади. Сабаби, молларнинг жинси бир хил бўлмаса, ўлчови вазний ёки кайлий бўлиб, бир хил бўлмаса фазл рибоси топилмайди. Масалан, Алишер Улуғбекка беш юз кг цемент эвазига юз кг гуруч берса, ушбу ҳолатда фазл рибоси топилмайди. Боиси, цемент ва гуручининг ўлчовлари бир хил, яъни, вазний бўлсада, жинслари ҳар хил.

Агар Алишер Улуғбекка юз метр атлас бериб эвазига икки юз метр атлас олса, ушбу ҳолатда ҳам фазл рибоси топилмайди. Чунки иккала молнинг жинслари бир хил бўлса-да, ўлчовлари вазний ёки кайлий эмас, балки зироий(метрлик)дир.

Яна бир мисол, Алишер Улуғбекка ўнта хонаки тухум бериб, эвазига ўн бешта оддий тухум олса, ёки битта қўй бериб эвазига иккита қўй олса, ушбу иккала ҳолатда ҳам

фазл рибоси топилмайди. Бу ҳолатларда ҳам молларнинг жинслари бир хил бўлса-да, ўлчовлари вазний ёки кайлий эмас, балки ададий(саналадиган)дир.

Фазл рибоси топилиши учун молларнинг ўлчовлари бир хил бўлишининг ўзи етмайди, балки вазний ёки кайлий бўлиши шарт. Алишер Улуғбекка мисдан бўлган оғирлиги уч кг доналаб сотиладиган қумғон эвазига ўн кг мис қуийлмасини берса, бу ерда ҳам фазл рибоси топилмайди. Иккала молнинг жинслари бир хил бўлса-да, қумғоннинг ўлчови вазний эмас. Агар қумғон ҳам килолаб сотиладиган бўлганида, бу савдода фазл рибоси топиларди. Боиси, иккала мол ҳам вазний бўларди ва мис қуюлмаси қумғондан вазн жиҳатидан зиёда бўларди.

Хулоса шуки, фазл рибоси топилиши учун молларнинг жинслари ҳам бир хил, ўлчовлари ҳам вазний ёки кайлий бўлиб бир хил бўлиши, рибонинг иллати (келтириб чиқарувчиси) дейилади.

**Насия рибоси:** Жинси ва қадри (ўлчови) ёки иккаласидан бири бир хил бўлган молларнинг савдосида бирининг нақд бўлмаслигидир. Масалан, Алишер Улуғбек билан юз кг гуручни юз кг гуручга алмашса ва Алишерники нақд Улуғбекники насия бўлса, ушбу ҳолатда насия рибоси топилади. Иккала гуручнинг жинси бир хил, яъни, гуручнинг қадри ҳам бир хил, вазни ҳам.

Агар Алишер Улуғбек билан юз метр атласни юз метр атласга алмашса ва Алишерники нақд Улуғбекники насия бўлса, бу ҳолатда ҳам насия рибоси топилади. Атлас бу ерда зироий бўлганлиги учун қадр топилмаса ҳам, иккала атласнинг жинси бир хилдир.

Алишер Улуғбек билан мис қумғонни мис қуюлмасига алмашса ва бири нақд наригиси насия бўлса, бу ерда ҳам

насия рибоси топилади. Бу ерда қадр топилмаса-да (мис қумғон ададий, мис қуйилмаси вазний бўлгани учун) иккаласи ҳам бир жинс, яъни, мисдир.

Насия рибосида жинс ёки қадрнинг бирининг топилиши кифоя қиласи. Алишер Улуғбек билан юз кг гуручни беш юз кг цементга алмашса ва Алишерники нақд, Улуғбекники насия бўлса, бу ҳолатда ҳам насия рибоси топилади. Боиси, гуруч ва цемент бошқа бошқа жинс бўлса-да қадрлари бир хил, яъни, вазнийдир.

Агар Алишер Улуғбек билан юз литр пахта ёғини беш юз кг цементга алмашса ва Алишерники нақд Улуғбекники насия бўлса, бу ерда насия рибоси топилмайди. Сабаби, пахта ёғи ва цемент бир жинс ҳам эмас, қадрлари ҳам ҳар хил. Пахта ёғининг қадри кайлий, цементники эса, вазнийдир.

Хулоса шуки, насия рибоси топилиши учун жинс ёки қадрнинг бир хил бўлиши кифоя қиласи. Фазл рибоси топилиши учун эса, жинс ва қадрнинг иккаласи ҳам бир хил бўлиши шарт.

Шунга кўра, қаерда ортиқча камлик дуруст бўлмаса, ўша ерда насия ҳам дуруст бўлмайди. Лекин насия дуруст бўлмаган баъзи жойларда ортиқча камлик дуруст бўлиши мумкин. Масалан, Алишер Улуғбек билан гуручга гуруч алмашса, бу ерда насия ҳам, ортиқча камлик ҳам дуруст эмас, балки иккала гуруч ҳам нақд, ҳам қадри тенг бўлиши керак. Агар Улуғбек билан атласга атлас ёки цементга гуруч алмашса, насия дуруст эмас, аммо ортиқча камлик бўлаверади.

Рибо бобида насиядан мурод молнинг тайин қилинмаслигидир. Тилло ва кумушдан бошқа молларни

тайин қилиш билан уларни савдо мажлисида қабз қилиш (қўлга олиш) шарт эмас.

Тилло ва кумуш пул бўлганлиги туфайли тайин қилиш билан тайин топмайди. Шунинг учун тилло ва кумуш тайин топиши учун савдо мажлисида қабз қилиниши шарт. Масалан, Алишер Улуғбек билан буғдойга буғдой алмашмоқчи бўлса, буғдойларни савдо мажлисида қабз қилишлари шарт эмас. Балки қайси буғдойлар алмашилаётганини тайин қилишлари кифоя қиласди. Агар Алишер Улуғбек билан тиллога тиллони алмашмоқчи бўлса, қайси тиллолар эканлигини тайин қилишлари кифоя қилмайди. Чунки тилло пул бўлганлиги учун тайин қилиш билан тайин топмайди. Балки фақат қабз қилиш билан тайин топади. Шунинг учун бу савдода савдо мажлиси тугамасдан туриб тиллоларни қабз қилишлари шарт. Савдо мажлисидан мурод иккала савдолашувчининг бир-биридан баданлари билан ажрамасликлари, яъни, бирга бўлишлари хоҳ бир жойда туришсин, хоҳ бирга юришсин, ҳатто бирга ухлашса, ёки иккаласи бир жойда хушларидан кетиб қолишса, ё бошқа-бошқа гапга киришишса ҳам мажлис битта ҳисобланаверади. Мажлис ўзгариши учун иккала савдолашувчи бошқа бошқа томонга юришлари, ёки биттаси жойида туриб иккинчиси унинг ёнидан кетиши керак.

Тилло ва кумуш савдосидаги қабз қўл билан олиш, ё бири иккинчисининг чўнтағи ёки этагига ўхшаш бирор нарсасига солиб қўйиш билан бўлади. Тилло ва кумушдан бошқа нарсаларнинг савдосида қабз сотилган нарсани сотиб олувчи қабул қилиб олишлигига шароит яратиб бериш билан бўлади. Сотиб олувчининг қўли билан олиши шарт эмас.

Тилло ва кумуш доимо вазний саналади. Буғдой, арпа, хурмо (бизнинг юртларда бўладиган олмага ўхшаш хурмо эмас, балки Арабистон томонларда бўладиган хурмо) ва туз доимо кайлийдир. Қолган нарсалар урфга қаралади. Агар урфда оғирлик ўлчови бўйича ўлчанса вазнийдир. Сифим ўлчови бўйича ўлчанса кайлий. Масалан, гуруч оғирлик ўлчови бўйича ўлчангандиги учун вазний. Ўсимлик ёғи сифим ўлчови бўйича ўлчангандиги учун кайлийдир. Агар тилло ва кумуш урфда сифим ўлчови бўйича ўлчанадиган бўлиб кетса ҳам вазний ҳисобланади. Шунинг учун тиллони тиллога ёки кумушни кумушга алмаштирганда албатта вазнлари тенг бўлишини эътиборга олиш керак. Ҳажмлари тенг бўлса-ю, вазнлари тенг бўлмаса, фазл рибоси топилади. Буғдой, арпа, хурмо ва туз урфда вазний бўлиб кетса ҳам кайлий ҳисобланади. Хусусан, ҳозирги замонда тўртталаси ҳам вазний бўлиб кетган. Лекин булар доимо кайлий саналганлиги учун буларни жинсига жинсини алмаштираётган вақтда кайл томондан тенг бўлишини эътиборга олиш керак. Вазннинг тенг ёки кам бўлишининг эътибори йўқ. Масалан, Алишер Улуғбек билан буғдойга буғдой алмаштироқчи бўлса ва ўлчовни вазн бўйича ҳисобласа, лекин Алишернинг буғдойи Улуғбекникига қараганда ник (зич, тўла) бўлганлиги туфайли ҳажми камроқ бўлса, (масалан, иккала буғдой ҳам бир тоннадан, аммо Алишерники уч юз со (сифим ўлчов бирлиги) Улуғбекники уч юз йигирма со бўлса) бу ерда йигирма со буғдой ортиқча ҳисобланади. Бу савдода фазл рибоси топилади. Агар Улуғбекники тўққиз юз эллик кг бўлса-ю, бу уч юз сога тенг келса, бу савдода фазл рибоси топилмайди. Демак, тўрттала нарсада гарчи урф вазний бўлиб кетган бўлса-да, булар шаръян кайлийдир. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳадисларида тиллога тиллони, кумушни кумушни вазн

жиҳатидан, буғдойга буғдойни, арпага арпани, хурмога хурмони, тузга тузни кайл жиҳатидан teng қилиб сотишни буюрганлар. Шунинг учун тилло ва кумуш доимо вазний буғдой, арпа, хурмо ва туз доимо кайлий саналади. Қолган нарсалар ҳақида ҳадис келмаганлиги учун урфга қаралади. Уларнинг вазний ёки кайлилиги урф ўзгариши билан ўзгариб туради. Масалан, ҳозирги пайтда гуруч урфда вазний бўлганлиги учун фазл ёки насия рибоси топилишида вазн эътиборга олинади. Фаразан маълум вақтдан кейин гуруч урфда кайлий бўлиб қолса, фазл ёки насия рибоси топилишида кайл эътиборга олинади.

Тилло ва кумуш доимо вазний, буғдой, арпа, хурмо ва туз доимо кайлий, деб эътибор қилиш Ҳанафий мазҳабидаги асосий ривоятдир. Имом Абу Юсуфдан буларнинг вазний ёки кайлий эканлиги ҳам урфга биноан бўлади, деган ривоят бор. Бу ривоятга кўра ҳозирги пайтда буғдой, арпа, хурмо ва туз вазний ҳисобланади. Буларни ўз жинсига айрибошлишда вазн жиҳатидан teng бўлишини эътиборга олиш лозим бўлади. Масалан, Ҳанафий мазҳабидаги асосий ривоятга қараганда Алишер Улуғбек билан буғдойга буғдойни алмашмоқчи бўлса, тенгликни кайл бўйича эътиборга олишлари лозим, вазн жиҳатидан эмас. Имом Абу Юсуфдан бўлган ривоятга кўра эса, тенгликни вазн бўйича эътиборга олишлари керак, кайл жиҳатидан эмас. Бу ривоятга кўра, Имом Абу Юсуф Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳадисларида тиллони тиллога, кумушни кумушга вазн жиҳатидан teng қилиб, буғдойни буғдойга, арпани арпага, хурмони хурмога, тузни тузга кайл жиҳатидан teng қилиб сотинглар, дея ҳукм қилишлари бу нарсаларни доимо вазний ёки кайлий деб ҳукм қилиш эмас, балки ўша пайтдаги урфга биноан бўлган. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида

тилло ва кумуш вазн бўйича, буғдой, арпа, хурмо ва туз кайл бўйича ўлчанарди, дейдилар.

Ҳайвон тирик ҳолатда ҳам, сўйилиб гўштга айлангандан сўнг ҳам бир жинс ҳисобланади. Лекин гўшт вазний тирик ҳайвон ададий бўлганлиги учун ҳайвоннинг гўштига алмаштиришда фазл рибоси топилмайди, бироқ насия рибоси топилади. Масалан, Алишер Улуғбекка бир қўй бериб эвазига қўй гўшти олса, ушбу ҳолатда Алишер берган қўйдан чиқадиган гўшт кўп чиқсин, ё кам чиқсин фарқи йўқ, аммо насия дуруст эмас. Бир жинсдан бўлган ҳайвоннинг гўштларида фазл рибоси ҳам, насия рибоси ҳам топилади. Боиси, жинс ҳам бир хил, қадр ҳам бир хил.

Бир ҳайвон бошқа ҳайвонга нисбатан бошқа жинсда ҳисобланади. Масалан, қўй бир жинс, мол бошқа жинс. Лекин гўштларнинг ҳаммаси вазнийдир. Шунинг учун бир тирик ҳайвонни бошқа ҳайвоннинг гўштига алмаштирганда фазл рибоси ҳам, насия рибоси ҳам топилмайди. Аммо бир ҳайвоннинг бошқа ҳайвоннинг гўштига алмаштирганда фазл рибоси топилмаса-да, насия рибоси топилади.

Гўшт, думба ёғи ва чарвилар бошқа бошқа жинслардир. Шунинг учун буларда фазл рибоси топилмайди. Лекин булар вазний бўлганликлари туфайли насия рибоси топилади.

Ҳар хил ҳайвонларнинг сутлари ҳар хил жинс, бир хил ҳайвонларнинг сутлари бир хил жинс ҳисобланади. Масалан, мол сутини мол сutiiga алмаштиришда фазл рибоси ҳам, насия рибоси ҳам топилади. Чунки жинс ҳам бир хил, қадр ҳам бир хилдир.

Бир жинс мевалар хўллигига ҳам, қуригандан сўнг ҳам бир жинс ҳисобланади. Шу боис хўл мевани хўл мевага, қуруқ мевани қуруқ мевага, ёки хўл мевани қуруқ мевага

алмаштиришда тенглик ва нақдлик бўлиши лозим. Хусусан, узумни майизга алмаштиришда тенглик ва нақдлик бўлиши шарт. Узум майизга айлангандан сўнг вазни камайиб кетишини эътибори йўқ.

Буғдойни буғдойдан бўлган унга тенг қилиб ҳам, ортиқча қилиб ҳам алмаштириб бўлмайди. Чунки буғдой кайлий бўлганлиги учун ун қилинганда кайлий кўпаяди. Шунинг учун буғдой ва унни кайл жихатидан тенглигини билиб бўлмайди.

Кунжит, зигир, зайтун ва шуларга ўхшаб сикиб ёғини олинадиган нарсаларни ўша нарсалардан олинган ёғга алмаштирганда ёғ булардан чиқадиган ёғдан кўп бўлиши лозим. Сабаби, булардан чиқадиган ёғ билан тайёр ёғ бир жинс ҳисобланади. Агар тайёр ёғ булардан чиқадиган ёғга баробар бўлса ёки камроқ бўлса, буларнинг пўчоги эвазсиз ортиқча бўлиб қолади ва бу ҳолат фазл рибоси ҳисобланади. Бу ерда жинс ҳам бир хил бўлганлиги учун насиядан ҳам сақланиш керак.

Бунга қуйидаги фикҳий қоида ҳам жорий қилинади. “Қачонки икки жинс бир нарса бўлса, зиёда ҳам, насия ҳам ҳаромдир. Қачонки жинс бошқа-бошқа бўлса, зиёдаси ҳалол, насияси ҳаромдир”. Бу фикҳий қоидани яна ҳам тушуниш учун мисол билан айтадиган бўлсак; қачонки биз ёғни-ёқка, буғдойни-буғдойга, узумни-узумга, хурмони-хурмога алмаштироқчи бўлсак, иккисидан бирининг ортиқча бўлиши мутлоқ ҳаромдир. Бунда икки нарсани сифатли ва сифатсиз бўлишининг фарқи йўқ. Қачонки жинс бошқа-бошқа бўлса, масалан, буғдойни-арпага ёки ёғни-хурмога алмаштирилганда икки томондан бирини қўлма-қўл бўлиш шарти билан ортиқча бўлиши жоиз ушбу ҳадиси шарифнинг далили билан.

”الذهب بالذهب، والفضة بالفضة، والبر بالبر، والشعير بالشعير، والتمر“

بالتمن، والملح بالملح، مثلاً بمثل، يدأ بيد، فمن زاد أو استزد فقد أربى،

الأخذ والمعطى فيه سواء“

«Тиллога тилло, кумушга кумуш, буғдойга буғдой, арпага арпа, хурмога хурмо, тузга туз ўхшишига-ўхаш, қўлма-қўл. Бас, ким зиёда қилса, ёки зиёда қилишни талаб қилса, батаҳқик, рибога йўл қўйибди. Уни оловчи ҳам, берувчи ҳам баробар», дейилган (Бешовлари ривоят қилишган).

Ортиқчалик рибосининг ҳаромлигига далиллар:

1- عن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: ”لَا تَبِعُوا الْذَّهَبَ بِالْذَّهَبِ، إِلَّا مثلاً بِمِثْلٍ، وَلَا تَشْفُوا بِعْضَهَا عَلَى بَعْضٍ وَلَا تَبِعُوا الْوَرِقَ بِالْوَرِقِ إِلَّا مثلاً بِمِثْلٍ، وَلَا تَشْفُوا بِعْضَهَا عَلَى بَعْضٍ، وَلَا تَبِعُوا مِنْهَا غَائِبًا بِنَاجِزٍ“ . والمراد بالناجز الحاضر، وبالغائب

المؤجل.

1. Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Тиллони-тиллога фақат баробар қилиб сотинглар. Унинг бирини бошқасига зиёда қилманглар. Кумушни-кумушга баробар қилиб сотинглар. Унинг

баъзисини баъзисига зиёда қилманглар ва улардан ғойибини нақдига сотманглар”.

2. وعن عثمان بن عفان رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه

وسلم قال: ”لا تبيعوا الدينار بالدينارين، ولا الدرهم بالدرهمين“

2. Усмон ибн Аффон разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Бир динорни икки динорга ва бир дирҳамни икки дирҳамга сотманглар”.

3. وعن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم

عليه وسلام: ”الذهب بالذهب، والفضة بالفضة، والبر بالبر، والشعير

بالشعير، والتمر بالتمر، والملح بالملح، مثلًاً بمثل، يدأً بيد، فمن زاد أو

استزاد فقد أربى، الآخذ والمعطى فيه سواء“

3. Абу Сайд ал-Худрий разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Тиллони тиллога, кумушни кумушга, буғдойни буғдойга, арпани арпага, хурмони хурмога, тузни тузга бабаробар, қўлма-қўл қилиб сотинглар. Ким зиёда қилса, ёки зиёда қилишни талаб қилса, рибо еган бўлади. Олувчи ва берувчи бу ишда баробардир”.

4. وعن عبادة بن الصامت رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم:

”الذهب بالذهب، والفضة بالفضة، والبر بالبر، والشعير بالشعير، والتمر بالتمر، والملح بالملح، مثلاً بمثل، سواء بسواء، يدأ بيد، فإذا اختلفت هذه الأصناف فبيعوا كيف شئتم، إذا كان يدأ بيد.“

4. Убода ибн Сомит разияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Тиллони тиллога, кумушни кумушга, буғдойни буғдойга, арпани арпага, хурмони хурмога, тузни тузга ўхшашга ўхшашни, баб-баробар, қўлма-қўл қилиб сотинглар. Қачон ушбу аснофлар ихтилофли бўлса, агар қўлма-қўл бўлса, қандоқ хоҳласангиз сотоверинглар», дедилар» (Муслим ва Термизий ривояти).

5. قوله صلى الله عليه وسلم: ”لا بأس ببيع البر بالشعير وأكثر

“يدأ بيد، وأما نسيئة فلا“

5. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу сўзлари: «Буғдойни арпага сотишда агар қўлма-қўл бўлса ва арпа кўпроқ бўлса ҳам ҳеч зарари йўқ, аммо насияси эса бўлмайди».

Мана шу ҳадисга кўра арпа мустақил бир жинс, буғдой бутунлай бошқа жинс, бирини ортиқча бўлиши жоиздир, қачонки қўлма-қўл бўлса ва оловчи ва сотувчи ажраб кетишларидан олдин нарсаларни қабз килишлари шартдир.

Насия рибоси жоҳилиятда машҳур бўлган рибо бўлиб, унинг сурати бир киши бошқа кишига муайян миқдордаги пулни, муайян муддатгача (1ой ёки 2ой) ўша муддатнинг эвазига пулни кўпайтириб бериш шарти билан. Ибни Жарир ат-Табарий айтадилар: Жоҳилиятда бир киши учун бошқа бир кишининг зиммасида маълум муддатга мол бўлар эди. Муддат келган вақтда уни қарздордан талаб қиласа, қарздор унга “қарзингни бироз кечиктиргин, молингни зиёда қиласман”, деб айтарди. Иккиси ҳам бунга келишиб шу ишни қиласар эдилар. Мана шу бир неча баробар бўлган рибо бўлиб, Ислом келганидан кейин Аллоҳ ундан қайтарди.

6. وعن سعيد بن المسيب أن أبا هريرة، وأبا سعيد حدثاه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم بعث أخا بني عدي الأنصاري فاستعمله على خير، فقدم بتمر جنيب فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ”أكُلْ تمر خير هكذا“؟ قال: لا والله يا رسول الله، إنا لنشتري الصاع بالصاعين من الجمع، فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: ”لا تفعلوا ولكن مثلاً بمثل أو بيعوا هذا واشتروا به منه من هذا، وكذلك الميزان.“

6. Сайд ибн Мусайиб разияллоҳу анхудан ривоят қилинади, Абу Ҳурайра ва Абу Сайд разияллоҳу анхулар айтадилар: Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бани Адий ал-Ансорийнинг акасини Хайбарга омил қилиб жўнатдилар. Бас у жаниб (хурмонинг яхши навларидан бири) хурмосини келтирди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Хайбарнинг ҳамма хурмоси шундайми?”,

дедилар. У киши: “Йўқ, Аллоҳга қасамки, эй Расууллоҳ, биз бундан бир соъни жам (хурмонинг унча яхши бўлмаган нави)дан бўлган икки соъга сотиб оламиз”, деди. Шунда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бундай қилманглар, лекин тенгма-тенг (қилинглар), ёки буни сотинглар ва пулига ундан сотиб олинглар, мезон (вазний нарсалар) ҳам шундайдир”, дедилар.

7 - وعن أبي سعيد قال: جاء بلال بتمر برني فقال له رسول الله صلى الله عليه وسلم:

”من أين هذا؟“ فقال بلال: تمر كان عندنا رديءٌ بعثْ منه

صاعين بصاع لطعم النبي صلى الله عليه وسلم، فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم عند ذلك ”أوه، عين الربا، لا تفعل ولكن إذا أردت أن

تشتري فِيْه بَيْع آخر ثم اشتري به.“

7. Абу Саид айтадилар: Билол барний хурмо келтирди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга “Бу қаердан?”, дедилар. Билол бизнинг сифатсиз хурмомиз бор эди. Ундан икки соъни бир соъга Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам таомланишлари учун сотдим, деди. Шунда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўҳҳ, рибонинг айни ўзи, (бундай) қилма, лекин сотиб олмоқчи бўлсанг, бошқа савдо билан сотгин. Кейин у билан сотиб олгин», дедилар (Бухорий ривояти).

## Ийна савдоси

عَنْ أَبْنَىْ عُمَرَ قَالَ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ -صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ- يَقُولُ «إِذَا  
تَبَيَّعْتُمْ بِالْعِينَةِ وَأَخَذْتُمْ أَذْنَابَ الْبَقَرِ وَرَضِيَتُمْ بِالرَّزْعِ وَتَرَكْتُمُ الْجِهَادَ  
سَلَّطَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ دُلَّاً لَا يَنْرُعُهُ حَتَّىٰ تَرْجِعُو إِلَى دِينِكُمْ». قَالَ أَبُو دَاؤِدَ  
الْإِخْبَارُ لِجَعْفَرٍ وَهَذَا لَفْظُهُ.

Имом Абу Довуд ўзларининг «Сунан»ларида Абдуллоҳ ибни Умар разияллоҳу анхудан ривоят қиласидилар: Мен расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Қачонки ийна савдосини қилсаларингиз ва мол думини ушласангиз ва зироатга рози бўлсаларингиз ва жиходни тарқ қилсангиз, динингизга қайтмагунгизча уни сиздан суғуриб олмайдиган хорликни Аллоҳ сизларга хукмрон қилиб қўяди”, деганларини эшиздим.

Бу ҳадисга кўра ийна савдоси жоиз эмас, балки макрухи таҳримийдир.

**Ийна савдосининг сурати:** Ийна савдоси бир неча кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, Алишер Улуғбекдан қарз сўрайди ва Улуғбек фойдасиз қарз беришни хоҳламайди. Фойдага қарз берай деса, рибо бўлишидан кўрқади. Шунинг учун рибо бўлмасдан фойда олиш йўлини қидиради. Ва Алишерга нархи бир миллионлик бўлган молини олти ой муддатга бир миллион уч юз мингга сотади. Кейин Шухратга ўша молни ўзинг учун бир миллион нақдга сотиб олгин, дейди ва Шухрат Алишердан бир миллион нақдга у молни сотиб олади. Сўнг Улуғбек Шухратдан бир миллион нақдга сотиб олади.

Ушбу ҳолатда Алишернинг қўлига нақд бир миллион етади ва Улуғбекдан бир миллион уч юз минг қарздор бўлиб қолади.

Улуғбек эса Алишерга бир миллион бериб, эвазига бир миллион уч юз минг оладиган бўлади.

Яна бир мисол: Қарз олмоқчи бўлган Алишер Улуғбекка бир миллионлик молини нақд бир миллионга сотиб пулини олади. Сўнгра Улуғбекдан ўша молни олти ой муддатга бир миллион уч юз мингга сотиб олади. Бу ҳолатда ҳам Улуғбек Алишерга бир миллион бериб эвазига бир миллион уч юз минг оладиган бўлади.

Ҳанафий мазҳабининг машҳур уламоларидан Камол ибни Ҳумом (р.х.) ўзларининг “Ҳидоя”га ҳошия қилиб ёзган «Фатҳул-қодир» номли китобларида айтган сўзларига кўра, агар қарз туфайли фойдаланмоқчи бўлган кишининг сотган молининг ёки берган пулининг ҳаммаси ё баъзиси ўзига қайтиб келадиган ҳолатда ийна савдоси топилади. Аммо бир киши бошқа бир кишига масалан, бир миллионлик молини олти ой муддатга бир миллион уч юз мингга сотса ва сотиб оловчи бошқа бировга уни бир миллионга сотиб юборса, бу ҳолат ийна савдоси дейилмайди ҳамда кароҳиятсиз жоиз саналади.

### **Савдода иккала молнинг ҳам насия бўлиши**

Юқорида жинси ҳам, қадри ҳам бошқа бошқа бўлган молларнинг савдосида фазл ҳам, насия ҳам дуруст эканлиги айтиб ўтилди. Лекин шу нарсани билиш керакки, савдодаги ҳар қандай молларда хоҳ қадр ва жинси бир хил бўлсин, хоҳ бошқа бошқа бўлсин иккала тарафнинг ҳам насия бўлиши дуруст эмас. Чунки бу савдо насияни насияга сотиш бўлади. Зоро Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам насияни насияга сотишдан қайтаргандар.

عَنْ أَبْنَىْ عُمَرَ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ نَهَىٰ عَنْ بَيْعِ الْكَالِئِ

بِالْكَالِئِ قَالَ الْعَوَيْبُونَ هُوَ النَّسِيَّةُ بِالنَّسِيَّةِ، رواه الدارقطني

Масалан, Алишер юз кг муайян бўлмаган гуручни муайян бўлмаган юз метр атлас эвазига Улугбекка сотса, ушбу ҳолатда гуруч ҳам насия, атлас ҳам насия бўлгани учун бу савдо дуруст эмасдир.

Ушбу қоидага кўра, ҳозирги пайтда одамлар орасида кўп учрайдиган муомалалардан бири: бир киши бир кишидан бирор нарса қарздор бўлса, ўша нарсани қанчадир суммага белгилаб қўйишлари дуруст эмас. Масалан, Алишер Улуғбекдан юз кг гуруч қарздор бўлса ва улар ўзаро бу гуручни икки юз минг сўмга баҳолаб, келишсалар лекин Алишер мазкур миқдордаги пулни Улуғбекка келишув мажлисида бермаса, ушбу ҳолатда иккала мол ҳам насия бўлади. Чунки юз кг гуруч муайян бўлмаганлиги сабабли насия икки юз минг сўм ҳам келишув мажлисида берилмаганлиги учун насия бўлди ва бу дуруст эмас.

Яна бир ҳолат: бир киши бир кишидан қарз олиш орқали ёки бирор нарсасини насияга сотиб олиш орқали сўм қарздор бўлиб қолади ва вакт ўтиши билан инфляция туфайли сўмнинг қадрсизланишидан сақланиш учун сўмни долларга ёки бирор нарсага (гўшт, тилло, цемент) пичиб қўйишади. Бу ҳолатда ҳам икки тарафлама насия савдоси топилади ва бу дуруст эмас.

## Сарф

Сарф шариат истилоҳида “саманни саманга сотишдир”. Таърифдаги самандан мурод тилло ва кумуш бўлиб, таърифнинг остига тиллони тиллога, кумушни кумушга ёки бирини бошқасига сотиш киради. Тилло ёки кумуш қуйилма ҳолатида бўлсин, пул қилиб чиқарилган бўлсин ёки бирор буюм шаклида бўлсин баробардир. Сарф савдосида олувчи ва сотувчи баданлари билан ажрамасларидан туриб нарсаларни қабз қилишлари шарт. Қабздан мурод қўл билан олиш ёки чўнтағига солиб қўйиш ва шуларга ўхшаш ишлар билан бўлади. Олдига ташлаб қўйиш қабз ҳисобланмайди. Савдо мажлисидан мурод иккала савдолашувчининг бир-бирларидан баданлари билан ажрамасликлари, яъни, бирга бўлишлари хоҳ бир жойда туришсин, хоҳ бирга юришсин, ҳатто бирга ухлашса ёки иккаласи бир жойда ҳушларидан кетиб қолишса ё бошқа-бошқа гапга киришишса ҳам мажлис битта ҳисобланаверади. Мажлис ўзгариши учун иккала савдолашувчи бошқа-бошқа томонга юришлари ёки биттаси жойида туриб иккинчиси унинг ёнидан кетиши керак. Тиллога тилло, кумушга кумуш алмашилганда вазн жиҳатидан teng бўлиши шарт қилинади. Ҳунар туфайли бўлган зиёдалик эътиборга олинмайди. Масалан, беш грамм тилло қуийлмаси беш юз минг сўм бўлса, тўрт грамм тилло узути ҳам беш юз минг сўм бўлса, буларни бир-бирига алмаштиришда нархи тенглигини эътиборга олиб алмаштириб бўлмайди. Балки тўрт грамм тилло узугини тўрт грамм тилло қуийлмасига алмаштириш керак. Тиллони кумушга алмаштиришда teng бўлишлари шарт эмас. Тилло ёки кумуш бошқа маданлар билан аралашган бўлса, аралашма уч хил ҳолатда бўлади.

1. Тилло ёки кумуш бошқа мадандан кўпроқ.

2. Тилло ёки кумуш бошқа мадан билан тенг.

3. Бошқа мадан тилло ёки кумушдан кўпроқ .

Биринчи ҳолатда бутун аралашма тилло ёки кумушнинг хукмида бўлади. Шунинг учун уни соф тилло ёки кумушга алмаштиришда вазн жиҳатидан тенглик эътиборга олиниши лозим. Масалан, тилло ва мис аралашмасининг умумий вазни ўн грам бўлиб, унинг олти грами тилло тўрт грами мис бўлса, ушбу аралашмани соф тиллога алмаштиришда тенглик шартдир. Яъни, соф тилло ҳам ўн грам бўлиши лозим. Бу ерда аралашманинг нархи соф тиллодан арzon эканлигининг эътибори йўқ.

Учинчи ҳолатда бутун аралашма тилло ёки кумушнинг хукмида бўлмайди. Шунинг учун уни соф тилло ёки кумушга алмаштиришда вазн жиҳатидан тенглик эътиборга олиниши лозим эмас. Масалан, тилло ва мис аралашмасининг умумий вазни ўн грамм бўлиб, унинг олти грами мис, тўрт грами тилло бўлса, ушбу аралашмани соф тиллога алмаштиришда тенглик шарт эмас. Яъни соф тилло ўн граммдан камроқ ёки кўпроқ бўлса ҳам жоиздир. Соф тилло аралашмадаги тиллодан кўпроқ бўлиши шарти билан. Чунки соф тилло аралашмадаги тиллога тенг бўлса, мис эвазсиз қолади, агар камроқ бўлса, миснинг ҳаммаси ва аралашмадаги тиллонинг баъзиси эвазсиз қолади ва бу айни рибодир. Соф тилло аралашмадаги тиллодан камроқ, тенг ёки кўпроқ эканлиги билинмаса рибо эҳтимоли бўлади. Лекин аралашмада тилло бўлганлиги туфайли иккала бадал ҳам мажлисда қабз қилиниши шарт.

Иккинчи ҳолатда бутун аралашма савдо ва қарз беришликда тилло ва кумуш хукмида бўлади. Яъни вазн эътибори билан қарзга берилади ёки бирор нарса сотиб олиниади. Аммо сарфда учинчи ҳолатнинг хукмида бўлади. Яъни соф тилло ёки кумуш билан тенг бўлиши шарт эмас.

## Нақд қоғоз пулларни фиқҳий тушунчаси

Ҳозирги вақтда барча давлатлар одамлар орасида ўзаро муомала қилишлари учун қоғоз пуллар чиқарган. Бу қоғоз пулларнинг шариат нуқтаи назаридан аҳкомларини ўрганишга киришишимиздан олдин мана шу қоғоз пулларнинг ҳақиқатини билмоғимиз лозим бўлади.

Мазкур қоғоз пуллар бугунги кунда ўз-ўзидан урфдаги қимматбаҳо нарсаларга айланниб бўлди. Қоғоз пулни бирорга бериш молни бериш билан баробардир. Демак, бу пулларни бериш билан закот адо бўлади. Бу пулларнинг эвазига тилло ё кумушни сотиб олиш мумкин бўлади.

Лекин қоғоз пуллар кўп тарқалиб кетгандан кейин ҳукумат уни қонуний пулга айлантириб қўйган шахсий банкларни қоғоз пуллар чиқаришдан ман қилган. Уни молиявий васиқаси сифатида ҳақиқати энди бошқа тарафга ўзгариб қолган. Улар қуйидаги жиҳатлардан иборат. 1) Қоғоз пуллар қонуний валютага айланди, одамлар уни қабул қилишга мажбур қилиндилар. Урфий қимматбаҳо нарсаларни қабул қилишга мажбур бўлганидек. 2) Қоғоз пулларга нақд дейилади. Пул, валюта қиймат дейилади. Бу урфда ҳам, қонунда ҳам ҳамма давлатларда эътироф қилинган нарса. Қоғоз пуллар билан одам худди маъданий (тилло-кумуш) пуллар билан муомала қилгандек муомала қиласидилар.

Қоғоз пулларнинг ривожланиш тарихидан маълумки, ҳозирги кунда қоғоз пулларни ортида на тилла, на кумуш қолгани йўқ. Уларни тиллога айлантириб бўлмайди. Ҳаттоки халқаро алоқаларда ҳам. Қоғоз пул ҳозирги кунда бир парча қоғозга айланниб қолган. Уни зотий – қоғозлик сифатида ҳеч қандай қиймати йўқ. Ўша қоғоз пулни

Марказий банк фақатгина рамзий пул сифатида ушлаб беради, холос.

Хукумат ўша қоғоз пулни олиб юрган одамни қўлидаги қоғоз пулни исмий қийматини муҳофаза қилади. Унинг исмий қиймати маҳсус бир сотиб олиш қувватини ўлчовига тенг бўлади. Шунинг учун банк у пулни берган одамга тилло ёки кумуш ёки бошқа маъдандан бўлган пулни қайтариш мажбуриятида эмас. Балки у ўз ваъдасига вафо қилиб мазкур қоғоз пулни бошқа қоғоз пулга айлантириб беради, иккаласининг қиймати баробар бўлади. Бу бир қийматни иккинчи қийматга алмаштиришдан иборатdir. Марказий банк шуни ўзига лозим тутган. Ўша қоғоз пул ўзи рамзий қийматга эга эмас, балки банк одамларни шу рамзий қийматга бўлган ишончини йўқотмаслик учун қилади. Фуқаҳолар бу қийматни “унинг исмий қиймати зотий қийматидан устун нарса”, деб номладилар. Шунингдек, қоғоз пулларни исмий қиймати зотий қийматидан бир неча баробар ортиқ бўлади. Ҳозир одамлар орасидаги таомил шу.

Қоғоз пулларни аввалги маъдан пулларнинг ҳукмида эканлиги событ бўлганидан сўнг, энди уларга боғлиқ аҳкомларга ўтамиз. Аллоҳ Ўзи ёрдам сўраладиган зотдур.

## **Закот ва нақд пуллар**

Қоғоз пулларнинг закоти ижмо ила вожибdir. Бу аввалги вақтларда одамлар орасида пул сифатида ишлатилган тилло ва кумушдан бошқа нарсалардан ясалган тангалар ҳукмида бўлганлиги учун. Ўша тангаларда тижорат моллари каби закот вожиб бўлади. Уни қиймати қачонки тилло ва кумушнинг нисобига етганда қоғоз пулдан ҳам закот берилаверади.

Шунингдек, қоғоз пуллардан фақирга закот бериш жоиздир. Уни фақир қўлида тутиб қабул қилиб олгандан кейин закот қабул қилинган бўлади. Фақир қоғоз пулни тилло ёки кушушга алмаштириши шарт эмас. Ёки маъдандан бўлган танга пулга алмаштириб олиши ҳам керакмас. Закотни адо этиш учун фақир мазкур қоғоз пулларни сарф қилиши шарт қилинмайди ёки унинг ўрнига тилло ё кумушдан бўлган нарсага олиши ҳам шартмас.

### **Қоғоз пулни қоғоз пулга алмаштириш хукмлари**

Буни алмаштириш икки хил бўлади:

- 1) Миллий қоғоз пулларни бир-бирига алмаштириш, бунда иккала тарафдан келган қоғоз пуллар бир давлатнинг пули бўлади.
- 2) Чет эл пулларини алмаштиришдан иборат бўлиб, унда алмаштириш турли давлатларни қоғоз пулларини алмаштириш орқали юзага чиқади. Икки тур ҳақида алоҳида-алоҳида гапириб ўтайлик.

## Миллий қоғоз пулларни алмаштириш

Аввал айтиб ўтганимиздек, қоғоз пуллар маъдан пулларнинг хукмига баробар. Уларни алмаштириш маъдан пулларни бир-бирига алмаштириш хукмларига тўғри келади. Агар мазкур қоғоз пулларни тенг ҳолатда алмаштирилса, яъни, икки тарафнинг ҳам қиймати баробар бўлса, бу жоиз. Шарти шуки, иккала тараф ажрашларидан олдин алмаштирилаётган қоғоз пулларни ақд мажлисида қабз қилишлари керак. Агар бирортаси бирор нарсани қабз қилмай ёки биттаси қабз қилиб бошқаси қабз қилмай ажрашиб кетса, ақдлари фосид бўлади. Чунки пуллар тайин қилиш билан тайин топмайди, балки тайин топиши учун албатта қабз бўлиши керак. Агар қабз бўлмаса, демак, у насия бўлиб қолади. Савдо қоидаларидан маълумки, савдода иккала эвазнинг ҳам насия бўлиши мутлако дуруст эмас. Бир эвазнинг нақд иккинчисининг насия бўлиши жинс ёки қадр бир хил бўлган пайтда дуруст эмас.

### **Миллий пулларни бирини оз, бирини кўп қилиб сотиш.**

Мисол, бир сўмни икки сўмга, 1 долларни икки долларга, сотишда фуқаҳоларнинг хилофи бор. Имоми Молик, ҳанафийлардан Мухаммад бин Ҳасан, ҳанбалийларнинг икки қавлдан машҳури шуки, бу муомала мутлақ ҳаромдир. Бир мис тангани икки мис тангага сотадиган бўлса, кейинги икки мис тангадан биттаси эваздан холий бўлади. Бу ақдда шарт қилинган бўлади, бу эса айни рибодур.

Абу Ҳанифа, Абу Юсуфлар наздида эса бу муомала жоиздир. Барча фикҳий китобларда баён қилинган бир тангани икки тангага сотиш, деб номланган масаладир. Абу Ҳанифа ва Абу Юсуфлар айтадиларки, икки ақд қилувчи келишиб ҳалиги нарсаларнинг қийматини тайин қилиб

ибтол қиласа бўлади. Ўшандан кейин булар тайин қилинган савдо молига айланиб қолади. Энди баҳолашиб бирини оз, бирини кўп қиласа бўлади. Уларни бир-бирига алмаштиришда бирини оз, бирини кўп қилиш қайси даражада, қаерга етган бўлса ҳам жоиз. Бу Имоми Шофеийнинг мазҳабидир. У кишининг бундай йўл тутишининг сабаби, рибонинг иллати у кишининг наздида қийматни жавҳарий бўлиши, яъни, аслида қиймати бор бўлиши керак. Шунинг бирини оз, бирини кўп қилиб бўлмаслик тилло ва кумушга хос бўлади. Мис тангалар эса, тилло ва кумушнинг ҳукмида эмас.

Шофеийнинг наздида мис тангада рибо бўлмайди. Агар унинг савдоси ривожланиб кетган бўлса ҳам. У кишида баъзисини баъзисига кўп кам қилиб сотиш жоиздир. Икки сотувчи ва сотиб олувчи тараф биз пуллигини эътиборга олмаймиз, ўзини (коллекцияга) олаётгандик, деса, бу ерда харид нархи йўқоладида, коллекцияга айланиб қолгани учун ўзи мол бўлиб қолгани сабабли худди тижорат моли каби бўлиб қолади.

Мухаммад бин Ҳасан айтадики, “Одамлар бозорда ишлатиб, олиб бериб турганда унинг қиймати тушди, деб айта олмаймиз. Чунки қиймати эътиборда бор, одамлар унга ўрганишган, ҳамма уни ўзига лозим тутиб турибди. Икки ақд қилувчи ўзаро келишиб унинг қийматини ботил қилиши ёки тайин қилиши жоиз эмас. Шундай экан бир мис тангани икки мис тангага алмаштириш жоиз бўлмайди”.

### **Бу бобдаги кучли рай**

Фуқаҳоларни ушбу ихтилофлари тилло ва кумуш баҳони ўлчови сифатида юриб турган бир пайтда бўлган, унда тилло ва кумуш пулларни одамлар бемалол ишлатиб юрганлар. Мис тангалар эса оддий бир айри бошлишдагина

ишлатилган, майда-чуйда нарсаларда. Аммо энди металдан бўлган тилло ё кумуш бўлса, тугаб кетди, пул шаклида қолмади. Бугунги кунда дунё бўйича пул шаклида йўқ. Энди рамзий пуллар тилло ва кумушнинг ўрнини эгаллади. Муҳаммадтақий Усмоний айтадилар: Фикримча, ҳозирги кунда рамзий пулларни бир-бирига алмаштириш масаласида Имоми Молик ва Имоми Муҳаммадларнинг қовлини олиш вожибdir. Чунки имоми Шофейй ва имоми Абу Ҳанифани мазҳабига ўтадиган бўлсак, биз рибо эшигини икки табақасини ҳам кенг очиб қўйган бўламиз. Бу парда остида ҳар бир рибовий муомала ҳалолга айланиб қолади. Қарз берувчи агар рибони истайдиган бўлса, ўзини рамзий пулларини бошқа одамга хоҳлаган қийматида сотоверади.

Ана ўша фақихлар бугун тирик бўлганларида пулнинг ахволини қанчалик ўзгарганини кўрсалар, улар ҳам бир тангани икки тангага сотишнинг ҳаромлигига фатво чиқарган бўларди. Биз буни феълан аввалги фуқаҳоларни ишида қўрганмиз. Мовароуннаҳрнинг машойиҳлари адолий ва ғаторифа деб номланган пулларда зиёда қилиб алмаштиришни ҳаром дейишган. Ўша ғаторифа, адолийлар пул бўлиб, уларда аралашмалар бўлган. Уларда кумуш деярли бўлмаган. Ҳанафий мазҳабида бундай пулларда бирини оз, бирини кўп қилса жоиз. Чунки жинсни бошқа жинсга алмаштирайти. Лекин Мовароуннаҳр машойиҳлари шу ерга келганда йўқ алмаштирганда кўп оз бўлиши ҳаром, деб туриб олишган. Иллати шуки, шу пуллар бизнинг диёrimизда энг азиз пуллар ҳисобланади. Шуларда оз кўпи жоиз деб юборсак, рибонинг эшиги очилиб кетади, дейишган. Сўнгра Имом Муҳаммаднинг қавли далил сифатида рожих қўрилди. Агар бу кишининг мазҳабларини икки устозларининг мазҳабига солиштириб муқорана қилишадиган бўлса, Имом Муҳаммаднинг гаплари кучли

чиқади. Сабаби, иккала имом ҳам мис танганинг қийматини ибтол қилиш жоиз деган. Майли буни пуллик қийматини йўқотиб савдо моли деб келишайлик дейилса, буни мақсади тўғри бўлмаган одам шуни айтиши мумкин. Демак, мис тангани моддасидан тамаъ қилиш жоиз эмас. Чунки бу темирни бир парчаси, унинг қийматини йўқотиб савдога қўяйлик, дейишдан қандайдир бир ғарази бўлади. Бу ғараз тарозини ҳалол қилиш учун ҳийладан иборат бўлади. Мисол учун, бирор келиб 100 танга қарз бериб туринг, 120 қилиб бераман, деса рибо. Шундан қочиш учун буни пуллик қийматини йўқотиб менга бу темирни сотинг дейди, темири қанча деса, 120 дейди. Бу ҳийла учун қилиш холос. Пул бирлигида юриб турган метални пул бирлигини қийматини йўқотиб, темир қилиб, унинг савдосини қиласиз дейиш, ҳийла, холос. Бундай ишни шариатимиз қабул қилмайди. Бизнинг замонимизда ўша рамзий пуллардан шундай қилиб рибони тасаввур қилиш, мутлақо мумкин эмас. Боиси, тилло кумуш пуллар тугаб бўлди.

Ҳа, икки шайхнинг мис тангадаги қавлини моддаси ва санъатининг эътиборидан олиб юраман деб, тасаввур қилиш мумкин. Уларни табодул қилиши қасд қилинмайди. Баъзи одамлар бизнинг асримизда турли юртларнинг пулларини йифиб, коллекция қилишни одат қилгандар. Бу тарихий эсдалик учун керак. Ана шу ниятда бўлса, унинг пуллик қийматини тушириб, бирини кўп, бирини оз қилса бўлади. Аммо пуллик кучи қолган ҳолда бозорга солиб ишлатадиган бўлса, мумкинмас. Чунки бунда рибони эшигини очишга энг катта турткilarдан бўлади. Бизнинг замонамиздаги қоғоз пулларни бир-бирига алмаштириш бўйича энг тўғри ва кучли қавл бу – бир-бирига ўхшаш шарти ила жоиздур. Бирини оз, бирини кўп қилиш, мутлақо мумкин эмас.

## Турли давлатларнинг пулларини алмаштириш

Битта давлатнинг пули қандай рамзда бўлмасин барibir бир жинсга киради. Аммо турли давлатларни пуллари турли жинслардан иборат бўлади. Чунки бугунги кунда пулдан унинг моддаси қасд қилинмайди, балки унинг маҳсус ўлчови бор. Ўша ўлчов давлатларга қараб турлича бўлади. Покистонда рупия, Саудияда реал ва хоказо. Ҳар бир давлатнинг ўлчови, ўзининг индексига қараб бўлади. Уни қандай киритади, қандай чиқаради, ўзи бошқаради. Бу ерда бир сабит нисбат тўғрисида ҳеч қандай моддий боғланиш йўқ. Ҳаммаси ўзининг ўзи билан бошқаларникига ўхшамайди. Мана шу нисбат – харидоргирлик қуввати ҳар куни, балки ҳар соатда ўзгариб туради. Сабаби, иқтисодий ҳолатлар ўзгаради. Давлатлар кўп, шунинг учун турли давлатларнинг пулларини бир жойга тўплаб, бир жинсда дейишга имкони йўқ. Агар давлат битта бўлса, унда мумкин эди. Пуллари турлича бўлса, уларни бир-бирига боғлаб кўяди. Бирга қиймати тушади, бирга кўтарилади. Мисол учун, Покистонда рупия ва пайса бор. Иккаласи битта, бир-бирига боғлик. 1 пайса рупияни 100 дан бирини ташкил қилади. Лекин Покистоннинг рупияси билан Саудияни реалини солишириш тамоман бошқа-бошқа. Алоҳида ўзгариб турадиган нарсалар. Шундан аён бўладики, турли давлатларнинг пуллари турли жинсдан иборатдир. Шунинг учун уларнинг исмлари ҳам, ўлчовлари ҳам ва улардан ажраб чиқадиган пул бирликлари ҳам турлича. Давлатларнинг пуллари турли жинслардан иборат бўлганидан кейин уларни бир-бирига алмаштиришда бирини кўп, бирини оз қилиш ижмо ила сабит бўлган.

Имоми Шофейй наздида аслида бир филсни икки филсга сотса бўлади. Битта пулни ўзига ҳам ижозат берган. Энди турли пулларда эса авлороқ бўлади.

Ҳанбалийларда ҳам шу гап бор.

Моликийларда эса иллат рибавий моллардан, деб қиласи. Агар рибавий молларнинг жинсий ихтилофи бўлса, жоиз бўлиши муқаррар.

Абу Ҳанифа ва у кишининг мазҳаблари уларда бир мис тангани икки мис тангага сотиб бўлмайди. Чунки булар бир-бирига тенг ансоллар бўлгани туфайли, қатъий равишда ҳаммаси тенг бўлади. Бу ерда тафозул қилиб бир хил нарсаларни қилсан биттаси эваздан холий бўлади, дейишган эди.

Лекин турли давлатларнинг пули турли жинс, бир мисолда бўлиши мумкин эмас. Демак, бу ерда эваздан холий ортиқча бўлиши тўғри келмайди. Уламолар иттифоқи билан бир реални бир неча рупияга сотса бўлади. Сўнгра турли давлатларнинг пулларини қиймати бошқа пулларга нисбатан ҳукуматлар томонидан тайин қилинади. Бас, уларни ундан оз ё кўп баҳога сотса бўладими? Жавоб: расмий баҳодан фарқли қилиб сотиш рибо ҳисобланмайди. Аввал айтиб ўтганимиздек, турли жинс ҳисобланади. Ўша жоиз бўлган ортиқча нарсани шаръян белгилаб қўйиш ҳеч қаерда йўқ. Бу пайтда икки тарафни олувчи ва сотувчи тарафни розилиги шарт, холос. Бунга баҳолашиб ҳукмлари жорий бўлади. Бунча бераман, озайтири, деб айтилаверади. Ким савдо молларида таъсирни жоиз деган бўлса, унда бу таъсир ҳам жоиз бўлади. Агар ўша савдо молини баҳосини ҳукумат белгилаб қўйиши жоиз, бундан оз ҳам, кўп ҳам сотмайсан, дейдиганлар бўлса, пулни белгилаб қўйганда ҳам, белгидан ташқарига ўта олмайсан, дейишади. Чунки бу ерда маъсият бўлмаган ишларда имомга тоат қилиш вожиб,

деган қоидა бор. Бир давлатда яшаб турган инсон ўша ердаги қонун-қоидага амалан ҳам, қавлан ҳам бўйсуниши керак. Қонунларига эргашиши лозим, ундаги қонунларда диний маъсият бўлмаса, чекага чиқмаса бўлади. Шу пайтда бу нарсани рибавий муомала, деб ҳам айтиб бўлмайди.

### **Пул сотганда тақобуз бўлмаса, қандай бўлади?**

Қоғоз пулларни бирини оз, бирини кўп қилиб сотиш жоиз бўлмаса ҳам, уларни сотишликни саррофлик ҳам деб бўлмайди. Чунки қоғоз пуллар аслида ҳилқатида қийматга эга эмас. Булар урф орқали одамлар келишиб қимматини эътиборга олайлик дейишган, ўзи арзимаган қофоздир. Бунда саррофлика ҳилқатида қиммати бор тилло, кумушларда бўлади. Ана ўша нарсаларда, ақд мажлисида тақобуз бўлиши шарт эмас. Ҳа, икки бадалдан бири қабз қилиниши шартлиги имоми Абу Ҳанифа ва асҳоблари наздида бор. Чунки буларнинг наздида мис танга тайин билан савдо молига айланмайди. Агар улар икки бадалдан бирини қабз қиласдан туриб ажралиб кетсалар, улар дайнини дайинга сотиб, ажрашган бўладилар. Қолган учта имомлар наздида эса, агар икки бадалдан бири мутайин бўлмаса, у шарт қилинмайди. Боиси, қиммат нарсалар уларнинг наздида тайин қилиш билан савдо молига айланниб қолмайди.

Шу байъни насия қилса бўладими? Ҳозирги кунда кўпчилик шу нарсани қиласди. Ўзини пулини бирорга бериб қўйиб кейин бошқа ерда бир муддатдан сўнг бадалини беради. Мисол учун Зайд Амрга 1000 реал Саудия пулини Саудия Арабистонида беради, Амр унинг бадалини, яъни, 4000 рупияни Покистонда бериш шарти билан.

Ҳанафийлар наздида бу байъ жоиз. Чунки қийматларда уни оқидга байъ пайтида мулк бўлиши шарт эмас. Шунинг учун жинс ихтилоф бўлганда орқага суриш мумкин.

Шамсул Аимма Сарахсий айтадики: Бир одам дирҳамларга мис тангани сотиб олса ва баҳосини накд тўласа, сотувчининг олдида мис тангаси бўлмаса жоиздир. Сабаби, ишлатилиб бозорда айланиб турадиган мис танга бу – пулга ўхшаган қийматли нарсадир. Бунинг хукмини аввал айтиб ўтдик. Сотувчининг мулкини ўринга ақд саҳих бўлганлиги учун шарт қилинмайди. Мана дирҳам, динорларда ҳам шарт эмас, кейин берса бўлаверади.

## Тушир ва эрта тўла

Бу мавзуга киришдан аввал бизнинг урфимизда қарз деб ишлатиладиган тушунчани бироз шарҳлашимиз керак. Фуқаҳолар наздида бирорвнинг зими масидаги бошқа бирорвга тўлаши лозим бўлган ҳақлар учга бўлинади.

1. Ақд (ўзаро битим) туфайли лозим бўлган ҳақ. Масалан, савдода сотиб олиш туфайли сотиб олинган нарсанинг бадали, бирор нарсани ёки бирор кишини ижарага олиш туфайли бўлган ижара ҳаққи, никоҳ туфайли эрнинг зими масига лозим бўлган маҳр ва шуларга ўхшаш ақд туфайли лозим бўлган ҳақлар.

2. Истиҳлок, яъни бирорвнинг молини ҳалок қилиш туфайли лозим бўлган ҳақ.

3. Бирордан қарз олганлиги туфайли лозим бўлган ҳақ.

Бу уч турдаги ҳақлардан аввалги иккитасида муддат белгилаш эътиборга олинади. Масалан, Алишер Улуғбекдан олти ой насияга бир машинани ўн миллион сўмга сотиб олса, ушбу муддат белгилаш эътиборга олинади. Яъни, Алишер Улуғбекка олти ойдан сўнг айтилган суммани бериши лозим. Олти ойдан аввал пулни берасан, деб талаб қилишга Улуғбекнинг ҳаққи йўқ. Олти ойдан кечиктиришга Алишернинг ҳаққи йўқ. Лекин Алишер ўз ихтиёри билан олти ойдан авввалроқ тўласа, жоиз. Шунингдек, Улуғбек олти ойлик муддатни кечиктириши мумкин. Шу ўринда икки томон ўзаро келишиб муддатни қисқартирамиз ва бунинг эвазига пул миқдорини ҳам камайтирамиз, масалан, уч ойда саккиз миллион қилиб беришга келишса, мана шу келишув “тушир ва эрта тўла” деб аталиб, рибо кўринишларидан бири саналади. Аммо Алишер ўзаро келишувсиз, ўз ихтиёри билан Улуғбекка пулнинг баъзи миқдорини берса ва Улуғбек баъзи миқдоридан кечса, бу жоиздир.

Учинчи турдаги ҳақда бирордан қарз олганлиги туфайли лозим бўлган ҳақда муддат белгилаш эътиборга олинмайди. Яъни, белгиланган муддат келмасдан туриб ҳақдор қарздордан ҳаққини талаб қилиши мумкин. Масалан, Алишер Улуғбекка бир миллион қарз берса ва олти ойдан сўнг тўлайсан, деса, бу муддатнинг эътибори йўқ. Алишер Улуғбекдан ҳаққини дархол талаб қилиши мумкин. Шунинг учун “тушир ва тез тўла” келишуви жоиздир. Масалан, юқоридаги мисолда Алишер Улуғбекка уч ойда саккиз юз минг берсанг қолганини кечаман деса дуруст. Шунингдек, биринчи ва иккичи ҳақларда ҳам агар муддат келган бўлса ёки дархол бериш лозим бўлган бўлса “тушир ва тез тўла” келишуви жоиздир. Бунга далил: Имом Бухорий ўзларининг саҳихларида ривоят килган ҳадис:

- عن كعب بن مالك رضي الله عنه : أنه كان له على عبد الله ابن أبي حدرد الأسلمي

دين فلقيه فلزمته فتكلما حتى ارتفعت أصواتهما فمر بهما النبي صلى الله عليه وسلم

فقال (يا كعب) . وأشار بيده كأنه يقول النصف فأخذ نصف ما عليه وترك نصفا

Каъб ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У кишининг Абдуллоҳ ибн Абу Хадрад ал-Асламийнинг зиммасида ҳақлари бор эди. Бас унга йўлиқиб қолиб, унга ёпишиб олди. Улар гаплашиб овозлари баланд кўтарилиди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг ёнидан ўтиб қолдилар, “Эй Каъб”, дедилар ва ярим дегандек қўллари билан ишора қилдилар, шунда у киши ҳаққини ярмини кечиб ярмини олдилар”. Манба: fiqh.uz веб саҳифаси

## Мундарижа



Рибонинг ҳаром қилиниш босқичлари.....	1
Рибонинг заарлари .....	6
Ийна савдоси .....	22
Сарф.....	25
Нақд қоғоз пулларни фиқхий тушунчаси .....	27
Закот ва нақд пуллар.....	29
Қоғоз пулни қоғоз пулга алмаштириш ҳукмлари .....	29
Миллий қоғоз пулларни алмаштириш .....	30
Турли давлатларнинг пулларини алмаштириш .....	34
Тушир ва эрта тўла.....	38
Мундарижа.....	40

